



MILLIY TIKLANISH

18 (390)

2016 йил 11 май, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП сафидаги ёшлар орасида 60 нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 12 нафар Президент стипендияси соҳиби бор

Ўтган йили Қорақалпоғистондаги ЎзМТДП гуруҳлари маҳаллий Кенгаш сессияларига 16 ташаббус-масалани олиб чиққан

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жараёнида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам фаол иштирок этмоқда

Муносабат

Хотира азиз, қадр муқаддас

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топди. Меҳр-оқибат туйғулари юртдошларимиз қалби ва шууридан чуқур жой олиб, аждодлар хотираси ёд этилмоқда. Ушбу ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларнинг ўғитлари ёшлар учун ибрат мактабидир.

Бундан 17 йил олдин Юртбошимиз ташаббуси билан 9 май юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилингани нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб берди. Ушбу кун ҳар йили юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг миқёсда нишонланади. Бу йилги Хотира ва қадрлаш куни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 71 йиллигига ҳамоҳанг тарзда нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, осуда, саодатли кунларга нурунийларимизнинг матонати ва жасорати туфайли эришилган. Давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда бу куннинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, ота-боболаримиз кўрсатган фидокорлик, қахрамонлик, бугунги дорилмон кунларнинг қадрига етиш, авлодларнинг ёруғ кунларга етиши учун жон фидо қилган аждодларни ёд этиш, орамизда ҳаёт бўлган фахрийларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Юртбошимизнинг сўзларини тинглар эканмиз, фидойи ота-боболаримиздан фахрланиш билан бирга, бугунги тинч-осойишта кунларимизга шукрона айтиб, таҳликали ва мураккаб бир вазиятда ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш лозимлигини яна бир қарра ҳис қилдик.

> 2-бет.



Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқларимиз асоси

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиш мамлакатимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай эзгу тамойиллар ўз ифодасини топган.

> 2-бет.

Миллий гурур

Спорт — иродани тоблайти



Спорт ўғил-қизларда кучли ирода, ғалаба ва мақсад сари интилиш фазилатларини тарбиялашда, уларнинг қалби ва онига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, фахр-ифтихор каби туйғуларни синдиришда муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортчи жумладан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва галмхўрлик навқирон авлодни ҳар тарафлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга хизмат қилмоқда

Бу жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, хусусан, жисмоний имконияти чекланган ёшларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим олиши, касб сирларини пухта эгаллаши, билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётир.

> 6-бет.

Депутат нигоҳи

Истиқлол йилларида юртимизда иқтисодийнинг барча тармоғи барқарор ривожланиб бормоқда. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, солиқ имтиёзлари ва қулай божхона тартибини яратиш бўйича олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Айниқса, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, қатор дастур ҳамда қонуности ҳужжатлар соҳа ва тармоқлар ривожига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш

соҳасини техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгиланмоқда — эришаётган муваффақиятларимизнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида эришилаётган ютуқларимизни чуқур таҳлил этиб, буларнинг барчаси юртдошларимиз меҳнати, ташаббуслари натижаси эканини алоҳида таъкидлади. Ҳеч шубҳасиз, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган кўрсаткичлар, эзгу режа ва мақсадлар, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётида, халқимиз тумшун даражасининг янада юксалишига хизмат қилади.

> 3-бет.

Партия гуруҳларида

Депутатлар фаолиятини янада кучайтириш

сайловчилар ишончини оқлашга хизмат қилади

Мамлакатимизни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий жиҳатдан ривожлантириш бўйича қўлга киритилган ютуқларни янги босқичга кўтариш, бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда сиёсий партиялар ҳамда уларнинг депутатлик бирлашмалари муҳим ўрин тутуди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугун ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб қилиш ва аҳолига етказиш, партия электоратини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уни бартараф этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ваколати, роли ва иштироки тобора кенгайиб бораётир. Шуни алоҳида таъкидлаш зарур, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари олдида дастурий вазифаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Буни ўтган сайлов натижаларига кўра, маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар сонини салмоқли даражада ошгани билан изоҳлаш мумкин. Бу эса сайловчиларнинг партияга ва дастурий мақсадларига ишонч билдирганидан, партия ташкилотлари ва депутатларимиз фаолияти муносиб баҳоланганидан далolat.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Оила саодати — жамият иқболи
ЎзМТДПнинг "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичлари яқунланди



> 5-бет.

"Тайбэй 101"

ёхуд дунёдаги энг баланд биналардан бирининг ўзига хос синаотлари



> 7-бет.

Қалбдаги гўзал тасвирлар

бу фақат мутолаа воситасида шаклланади



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

Ёшлар фестивали

Партия лойиҳалари

Истеъодли ёшларни кашф этиш, уларнинг билими, дунёқараш ва иқтидорини намоён этишга имкон бермоқда

лат мукофоти, 12 нафари эса Президент стипендияси соҳиби. Шунингдек, 650 дан зиёд мамлакат, Осиё ва жаҳон биринчиликлари...

чанлигини оширса, иккинчидан, келажакда улар орасидан маҳоратли актёрлар етишиб чиқишига замин ҳозирлайди.

Ватани севиш, ҳар қарч ерини асраб-авайлаш, юрт истиқбол йўлида фидокорона меҳнат қилиш ҳар биримиз учун шарафли



тадбирларни янада кўпайтириш, ёшлар қизиқиши ва манфаатларидан келиб чиқиб янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ниятидир.

бурч. Фестивалнинг замонавий қадриятларни тарғиб қиладиган видеороликлар намойиши шарт бўйича мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, янгиланишлар, ёшлар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар, чекка ҳудудларда қад ростлаётган спорт иншоотлари, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар ҳақида қисқа метражли фильмлар намойиш этилди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёш авлодни "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш, уларни миллий тикланиш ғояси ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Юртимизда экотуризмни ривожлантириш, сўлим табиат бағрида жойлашган масканларимизга сайёҳлар эътиборини торттириш ва шу орқали мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади.

— ЎзМТДПнинг ҳаётий ғоя, дастурий мақсад-вазифалари, янги лойиҳалари ёшлар эътиборини қозонаётгани сир эмас, — деди партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев.

Миллий қадриятларимизни эъзозлаш, глобаллашув даврида халқимиз, айниқса, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда санъатнинг ўрни бекиёс. Фестиваль доирасидаги

— Иштирокчиларнинг танланган мавзу ва мақсадни бадиий саҳна кўринишлари орқали очиб беришга ҳаракат қилгани эътиборга молик, — деди тадбирда иштирок этган Ўзбекистон халқ артисти Махмуд Исмоилов.

Хасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Депутат нигоҳи

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш

Соҳасини техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш — эришаётган муваффақиятларимизнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда

«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

Маърузада таъкидланганидек, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш асосий вазифаларимиздан биридир.

рилгани, шунингдек, Самарқандда улкан кўёш станциясининг қурилиши режалаштирилаётганини келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, жаҳон бозорига рақобат муҳити тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини изчил ошириш, ишлаб чиқариш қорхоналарини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ўз навбатида хорижий эксперт ва мутахассислар ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай ислохот ва ўзгаришларни юқори баҳоламоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи Энергетика Хартиясини Бош қотиб Урбан Руснакнинг бу борадаги фикрлари, айниқса, эътиборга молик.

Мазкур қарор, ўз навбатида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлашда ҳам ҳуқуқий асос бўлади.

Хасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ушбу муҳим устувор вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.



Назир СОБИРОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Кўрик-танлов

Навқирон авлод вакиллари миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларга ота-боболаримиз илмий-адабий мероси мазмун-маънавий ва дунё илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссасини тушунтириш бугунги кун учун энг долзарб вазифа саналади.

ЎзМТДП ёшларни ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келаётди. Бу борада партиянинг бир қатор лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Аждодларга муносиб авлод

жойлардаги партия тадбирлари ана шундай мақсадга қаратилди

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши ва ўз истеъдодини тўла намоён этиши учун барча имконият яратиб берилган.

— Билимли, юксак салоҳиятли устоз-мураббийларнинг меҳнати самарасида ёшларимиз замонавий билим ва касб-хунарларни кунт билан эгалламоқда. Халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, фестивал ва кўрик-танловларда ўз билим ва салоҳиятини намойиш этмоқда.

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши ва ўз истеъдодини тўла намоён этиши учун барча имконият яратиб берилган.

— Билимли, юксак салоҳиятли устоз-мураббийларнинг меҳнати самарасида ёшларимиз замонавий билим ва касб-хунарларни кунт билан эгалламоқда. Халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, фестивал ва кўрик-танловларда ўз билим ва салоҳиятини намойиш этмоқда.

да партия Ромитан ва Жондор туман кенгашлари "Ёшлар қаноти"нинг "Хумо" ҳамда "Шарқ гавҳари" жамоалари ғолиб деб топилди.

— Мазкур танлов ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди "Хумо" жамоаси сардори Акмал Қодиров.

лимли, ғайрат-шижоатли, фаол ва ташаббускор йигит-қизларни кашф этишда муҳим ўрин тутаяди. Юртбошимиз "Юксак маънавий — энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваломбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиби, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир.

Ана шундай тадбир партия Навоий вилоят кенгашида ҳам бўлиб ўтди. Унда барча даражадаги партия ташкилотлари ходимлари, маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши аъзолари ҳамда оммавий ахборот во-

ситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда истиқлол йилларида юртимиз тарихини ўрганиш, буюк аждодларимиз меросини қайта тиклаш, улар яратган асарларни тадқиқ этиш, ёшларда қомуций олимларимиз илмий меросига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш хусусида сўз борди.

— Тадбир доирасида ўтказилган ўқувчиларнинг умумтоз адабиётимиз намоёндалари газалларини ифодали ўқиш бўйича танлов ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди, — деди партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анара Бомуродова. — Айниқса, "Иқтидор ва истеъод", "Инсон ва табиат", "Соғлом авлод", "Олтин мерос" номли стендлар, ўқувчи-ёшлар тайёрлаган рангбаранг ижодий ишлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Тадбирда иштирокчиларнинг Ватанимиз тарихи, Шарқ ва Фарб адабиёти ҳақидаги билимлари ҳам синовдан ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, бу тадбир нафақат ёшларнинг ўзаро фикр алмашишига, балки партиянинг яна бир йирик "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" лойиҳаси учун вилоят терма жамоасини шакллантиришга имкон яратди.

— Юртимиз тарихини ўрганиш жараёнида бугунги дорилмон кунларга халқимиз қандай машаққат эвазига эришгани, мустақиллик нақадар азиз неъмат эканини англади, — дейди тадбир иштирокчиси Отабек Мўминов. — Бу бизни Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун ўз ҳиссамизни қўшишга руҳлантиради, келажакда қомил ишонч билан боқишга ундайди.

Тадбир якунида ғолибларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Хасан ФАРМОНОВ, Ўралой ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбирлари

Партия гуруҳларида

Депутатлар фаолиятини янада кучайтириш

сайловчилар ишончини оқлашга хизмат қилади

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Янги таркибдаги партия гуруҳлари иш бошлагандан буён ўтган даврда депутатлар амалга оширган ишларини таҳлил қилсак, муайян натижаларга эришилганини кўраемиз. Жумладан, халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, шаҳар ва туман Кенгашига ўзМТДПдан сайланган депутатлар аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришга, уларни ўйлантираётган масалаларга депутатлик ваколатлари асосида ечим топиш, қонунлар, Давлат дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашга муносиб ишроқ этишга интилоқда. Бугун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида 18 депутатдан иборат ўзМТДП фракцияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашида эса 80 депутат (13 партия гуруҳи), жами 98 партияимиз вакили фаолият кўрсатмоқда.

2015 йилда барча даражадаги ўзМТДП гуруҳлари аъзолари фуқаролар мурожаатлари асосида ҳудуддаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, ташкилот ва корхоналарга жами 215 депутатлик сўрови юборган бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Амалдаги қонун ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида 77 депутатлик назорати амалга оширилди. Қувонарлиси, депутатлар фақат фуқаролардан келган мурожаатлар, аризалар билан чекланиб қолмай, ўз ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши бўйича тегишли мансабдор шахсларнинг ҳолати ва ахборотларини тинглашни ҳам тақлиф этмоқда. Натижада фракция аъзолари ташаббуси билан турли соҳалар бўйича 10, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан 30, жами 40 мансабдор шахсларнинг ҳисоботи маҳаллий Кенгашлар сессияси ёхуд йиғилишларида тингланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси кўмиталар мажлисларида 4 масала бўйича тақлифлар олиб чиққан ва улар асосида тегишли қарорлар қабул қилинган. Халқ депутатлари

ри туман ва шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳлари аъзолари эса ўтган йил давомида доимий комиссиялар йиғилишларида 134 тақлиф ва масала олиб чиққан. Маҳаллий Кенгашлар сессияларида ўзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан олиб чиқилган 16 масаланинг 12 таси бўйича сессиянинг тегишли қарорлари қабул қилинган.

Депутатлар фаолиятига оид ушбу кўрсаткичлар олдинги йилларга нисбатан анча ўсганлигини кузатиш мумкин. Шундай бўлса-да, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, депутатларимиз ўз ваколатларидан янада кенгроқ фойдаланиши, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни ҳаётига татбиқ этиш учун ташаббускор бўлишлари зарур. Шу нуқтаи на-

уларга 130 газ баллони тарқатган. Муаммо шу тариқа ижобий ҳал этилди.

Яна бир мисол. Жорий йилнинг 17 мартда Жўқорғи Кенгесидаги ўзМТДП фракцияси аъзоси Қ.Калон Хўжайли туманининг 13-МФЙ ҳудудида яшовчи фуқароларнинг доимий ичимлик суви билан таъминлаш масаласида амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати юзасидан “Туямўйин-Нукус” ҳудудий сув ўтказгичдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Р.Сейтовга депутатлик сўрови юборган. Ҳудудда шу асосда ўрганиш ишлари олиб борилиб, ичимлик суви тармоғини ўрнатиш бўйича тендер ўтказилди. Тендерда ғолиб чиққан пудратчи “Гидросфера” МЧЖ ҳудудда ичимлик суви тармоғи ўрнатиб, аҳолини ўйлантираётган масала ўз вақтида ҳал этилди.

Депутатларнинг фуқаролар мурожаатлари асосида юборган сўровлари натижасида ҳудудларни ободонлаштириш, аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этиш, партия электорати учун шарт-шароит ва имкониятларни кенгайтириш, ҳунармандчилик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш каби масалалар ўз ечимини топаётганлиги эътиборга молик. Бу борадаги таҳлиллар халқ депутатлари Нукус шаҳар, Хўжайли, Беруний, Тўртқўл, Амударё, Қўнғирот, Қонлиқўл, Қораўзақ туман Кенгашидаги партия гуруҳлари депутатлик ваколат ва имкониятларидан тўғри ва унумли фойдаланаётганини кўрсатади.

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва сиёсий жараёнлар ҳар бир депутатдан катта масъулият ва ўзига нисбатан талабчанликни, фаоллик кўрсатишни талаб қилади. Қолаверса, олиб борилаётган бу каби ишлар партиянинг эртанги кунига ишонч билан қарайдиган, уни қўллаб-қувватлайдиган хайрихоҳларнинг қўлайлишига хизмат қилади.

Ҳожабой КАБУЛОВ,
ўзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия кўмитаси девони етакчи мутахассиси,
Ильяс ДИЛЬМАНОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

тернетдан фақат маълумот олиш ёки мақсадли фойдаланиш учун келмаганлиги аниқланди. Сўровнома орқали атиги 50 иштроқнинг фикри ўрганилди. Бугун ёшлар Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини ташкил этмоқда. Тўғри, уларнинг барчасини ҳам Интернетдан фақат вақт ўтказиш учун фойдаланади, дея олмаيمиз.

Ёшларнинг аксарияти Интернет сайтларидан ўз билим ва тафаккурини ошириш, турли грант лойиҳаларда иштирок этиш ва Ўзбекистоннинг ютуқларини жаҳон оmmasига етказиш каби эзгу мақсадлар йўлида фойдаланаётганини ҳам эътироф этиш жоиз.

Бугун дунё ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеалар оғоҳлик ва ҳушёрликни, тобора кучайиб бораётган мафқуравий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, тегишли ҳулоса ва сабоқ чиқаришни талаб этмоқда. Чегара билмайдиغان “ўргимчак тўри” — Интернет турли соҳадаги сон-саноксиз фойдали манба ва маълумотлар билан бирга юксак маънавий қадриятлар бардавонлигига путур етказадиган иллатларни ҳам тарғиб қилаётгани сир эмас. Ҳаётимизга “оммавий маданият” таҳдидларининг 90 фоиздан зиёди мазкур ахборот манбаси орқали кириб келмоқда. Турли иллатларни тарғиб қилувчи сайтлар кенгайиб бораётган бугунги таҳликали замонда ёшларимизга фақат “uz” доменидаги порталлардан маълумот излаш тавсия этилади. Агар бошқа доменидаги веб-сайтлардан фойдаланишга эҳтиёж сезилса, мамлакатимизнинг миллий манфаатлари ва менталитетига зид ахборотлардан сақланиб, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш кўриш даркор.

Тадбирда маънавиятимизга таҳдид — ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид, глобал хавфсизликни таъминлаш муаммолари, ёшларнинг ёт гоёларга қарши иммунитетини шакллантириш самарадорлигини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда миллий тарғиботнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,
ўзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Тадбир

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси билан ҳамкорликда “Мустақиллик даврида эришилган ютуқлар ёшлар нигоҳида” мавзусида кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмада университет талабаларининг истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари ҳақидаги фото ва тасвирий асарлари, инновацион гоё ва ишланмалари намойиш этилди.

— Кўргазмада кўёш энергиясидан қувват

Талабалар кўргазмаси

Университет ректори Р.Саидахмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш.Тўхтабоев ва бошқалар Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, истеъдодини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароит яратилаётганини таъкидлади.

оладиган “Гелимобиль” машина билан иштирок этдим, — дейди университетнинг 2-курс талабаси Бобур Нейматов. — Бу машина соатига 70-80 километр тезликда юради, ёқилги тежамкорлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ва рағбат бизни катта марралар сари руҳлантирмоқда.

Ш.МАМАТУРОВА,
ўзМТДП мухбири

Жараён

Фуқаролик жамияти ривожидида

сайловларнинг муҳим ўрни бор

Мамлакатимизда истиқлол шарофати билан маҳалланинг фуқаролик жамияти институти сифатида нуфузи ва ваколати тобора ортиб бормоқда. У бугун нафақат маънавий, балки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалалар билан боғлиқ жараёнларда ҳам фаол иштирок этаётир.

Сайловда йиғин раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари сифатида ҳар томонлама муносиб фуқароларнинг сайланиши, ўз навбатида, давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифа — маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркор-

сайланади. Сайловда йиғин раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари сифатида ҳар томонлама муносиб фуқароларнинг сайланиши, ўз навбатида, давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифа — маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркор-

фасига уч мингдан зиёд фуқаро номзод сифатида рўйхатга олинган. Жиззах туманида фуқаролар йиғинларига 54 раис (оқсоқол) ва 620 нафардан зиёд маслаҳатчилар, Янги-обод туманида 11 раис ва 300 га яқин маслаҳатчи, Жиззах шаҳрида эса 34 раис ва уларнинг 420 дан зиёд маслаҳатчи-



лик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориши каби вазифалар ижросини тўлақонли таъминлашда муҳим омили бўлади. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ўша ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан соҳага оид ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилиб, вазифалари қўламини кенгайтиди.

Шу йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига юртимиз бўйлаб пухта ҳозирлик кўрилди. Сайловда мамлакатимиз бўйича 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчи сайланиши режалаштирилган. Жиззах вилоятида ҳам бу муҳим тадбирга қизгин ҳозирлик кўрилди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартдаги қарорига мувофиқ, Жиззах вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови кизгин давом этмоқда, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ўзМТДП гуруҳи раҳбари Баҳром Мамажонов. — Вилоятда 304 фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 мингдан зиёд маслаҳатчиси

лари муқобиллик асосида сайланмоқда.

— Сайловни ўтказиш жараёнида ўзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди Б.Мамажонов. — Зеро, маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда, миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тиклаш ва ривожлантиришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайдиган фуқаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятини кучайтириш партия дастурий мақсад-вазифаларидан ҳисобланади.

Депутатларимизнинг бу жараёнда иштироки эса ўзМТДПнинг дастурий вазифалари ижроси, партия ҳудудий ташкилотлари ва гуруҳларининг маҳаллалар билан ҳамкорлигини кучайтириш, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутди.

Мухтасар айтганда, сайловларда энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сифатида сайланаётгани юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади. Ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда юртдошларимизнинг фаол иштироки этиши юртимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилidir.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Маънавий иммунитет

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши “Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ёшларда Интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари” мавзусида тадбир ташкил этди.

Интернет маданияти

уни шакллантириш — долзарб вазифа

— Ахборот глобаллашуви жараёнида Интернет шу даражада оммалашдики, унга мурожаат қилувчилар сафи ҳам, эълон қилинадиган мавзулар қўламини ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда, — деди ўзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Баҳодир Худойкулов. — Аммо Интернетнинг фойдали хижратини билан бирга, ёшлар маънавиятига салбий таъсири ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, четдан кириб келаётган ҳар хил гоёлар таъсирига тушмасдан, ўз куч-қудратимизга, салоҳиятимизга миллий қадриятларимизга, имон-иродамизга таяниб иш кўришимиз лозим. Айни кунда мамлакатимиз аҳолисининг 13 миллионга яқини Интернетдан фойдаланмоқда. Шу боис, миллий маданиятимиз намуналарини сақлаб қолиш, Интернет орқали кириб келувчи таҳдидларнинг олдини олиш, глобал тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Турли гоёлар кураши, ахборот хуружлари, мафқуравий таҳдидлар кун сайин авж олиб бораётган глобаллашув даврида, ҳатто, аҳамияти йўқдек туюлган ахборот ҳам йиғитчиларнинг, айниқса, навиқрон авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясига зарар етказиши мумкин. Ёшларни бу каби иллатлардан асрашда таълим-тарбия, хусусан, миллий қадрият, анъана, урф-одат, бой маънавий меросимиз ва оилада соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот сифатида айтиш лозим, тадбирни ўтказишдан аввал вилоятдаги Интернет-кафедрларда 50 иштирокчи ўртасида ижтимоий сўровнома ташкил этилди. Сўровномадан натижасида уларнинг ҳаммаси ҳам Ин-

тернетдан фақат маълумот олиш ёки мақсадли фойдаланиш учун келмаганлиги аниқланди. Сўровнома орқали атиги 50 иштроқнинг фикри ўрганилди. Бугун ёшлар Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини ташкил этмоқда. Тўғри, уларнинг барчасини ҳам Интернетдан фақат вақт ўтказиш учун фойдаланади, дея олмаимиз.

Ёшларнинг аксарияти Интернет сайтларидан ўз билим ва тафаккурини ошириш, турли грант лойиҳаларда иштирок этиш ва Ўзбекистоннинг ютуқларини жаҳон оmmasига етказиш каби эзгу мақсадлар йўлида фойдаланаётганини ҳам эътироф этиш жоиз.

Бугун дунё ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеалар оғоҳлик ва ҳушёрликни, тобора кучайиб бораётган мафқуравий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, тегишли ҳулоса ва сабоқ чиқаришни талаб этмоқда. Чегара билмайдиغان “ўргимчак тўри” — Интернет турли соҳадаги сон-саноксиз фойдали манба ва маълумотлар билан бирга юксак маънавий қадриятлар бардавонлигига путур етказадиган иллатларни ҳам тарғиб қилаётгани сир эмас. Ҳаётимизга “оммавий маданият” таҳдидларининг 90 фоиздан зиёди мазкур ахборот манбаси орқали кириб келмоқда. Турли иллатларни тарғиб қилувчи сайтлар кенгайиб бораётган бугунги таҳликали замонда ёшларимизга фақат “uz” доменидаги порталлардан маълумот излаш тавсия этилади. Агар бошқа доменидаги веб-сайтлардан фойдаланишга эҳтиёж сезилса, мамлакатимизнинг миллий манфаатлари ва менталитетига зид ахборотлардан сақланиб, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш кўриш даркор.

Тадбирда маънавиятимизга таҳдид — ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид, глобал хавфсизликни таъминлаш муаммолари, ёшларнинг ёт гоёларга қарши иммунитетини шакллантириш самарадорлигини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда миллий тарғиботнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,
ўзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Кўрик-танлов

Авал хабар берганимиздек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белги-ланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, юртимизда истиқомат қилаётган, мустақиллик берган саодат туфайли бахту иқбол топаётган, ҳар томонлама ибратга лойиқ оилаларнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш, уларни ёш оилаларга намуна сифатида кўрсатиш мақсадида "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" республика кўрик-танловини эълон қилган эди. Танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари юксак савияда ўтказилиб, гўлиб бўлган оилалар ушунг мустақиллик босқичига йўлланма олди. Айни пайтда кўрик-танловнинг минтақавий босқичи ҳам якунланди.

Фарғонада "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Равшан Отабоев, вилоят хотин-қизлар кўмитаси масъул ходими Муқаддасхон Аҳмедова, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси Соҳибхон Аъзамова Президентимиз раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, оилалар мустақиллигини таъминлашга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Мазкур танлов ҳам ҳар томонлама ибрат бўладиган оилаларни рағбатлантириш, уларнинг тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Зеро, Юртбошимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек, бугунги кунда биз ҳеч қимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт куриш мақсадлари билан яшар эканмиз, албатта, мустақил давла-

тимизнинг мустақамлиги, халқимизнинг озод ва фаровон ҳаёт кечирishi жамиятимизнинг асосий бўғини, таянчи бўлиши оиллага боғлиқдир.

Танловнинг минтақавий босқичида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидан сараланган ибратли оилалар, ЎзМТДПнинг фаол аъзолари танлов низомига асосан белгиланган шартлар бўйича ўз билим ва иқтидорини намойиш этди. Дастлабки шарт ўзини таништириш маҳорати бўлиб, унда оила тарихи ва таърифи келтирилди. Навбатдаги "Оила тинчлиги — юрт ободлиги" шартига кўра, оила аъзолари томонидан оилавий қадриятлар, миллий урф-одат ва анъаналар саҳналаштирилган ҳолатда тақдим этилди. Танлов иштирокчилари унда, асосан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган кесаларга хурмат, ўзаро ҳамжихатлик, болаларга ғамхўрлик каби оилавий анъаналарни, оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган нохуш ҳолатлар — тўй-маросимларни ўта дабдабали қилиб ўтказиш, исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирларга барҳам бериш, миллий урф-одат ва қадриятларимиз тарғиботига эътибор қаратилди. Учунчи шартда Соғлом



она ва бола йилига бағишланган лойиҳалар тақдим этилди. Уларда жамиятнинг асосий бўғини бўлиши оила институтини янада мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлаш, она ва бола

Оила саодати — жамият иқболи

ЎзМТДПнинг "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичлари якунланди

саломатлиги борасида оила вакиллари ўртасида олиб борилиши зарур бўлган тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларининг аҳамиятига урғу берилди. Сўнги шартда "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институтининг роли" мавзусидаги қизиллар синови бўлиб ўтди.

Кизгин ва муросасиз ўтган шартлар якунига кўра, андижонлик Раҳимовлар оиласи ғолиб топилиб, кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди.

Муаттархон АКБАРОВА,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони бош мутахассиси:

— Оила — муқаддас кўрган, унинг мустақамлиги ота-онанинг ўзаро-товуш ҳаёт кечирishiга боғлиқ. Бу фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек оиласининг ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари турли авлод вакиллари ўртасидаги самимий муомала, меҳр-оқибат, андиша, ҳаё, ор-номус, оқибат каби туйғуларда намоён бўлади. Миллий қадриятларимиз сифатида эъзозланиб келинаётган ота-онани хурмат қилиш, уларни эъзозлаш, ўз навбатида, ота-онанинг фарзандни баркамол шахс қилиб тарбиялаш, унинг келажаги учун барча шарт-шароитни яратиш бериш анъанаси истиқлол йилларида янгича маъно-мазмун касб этгани, миллий истиқлол ғоялари билан суғорилгани бугун оилалар ҳаётида ўз исботини топаётди. Бугунги кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад ҳам мана шу ҳаётий ҳақиқатни намуна оилалар воситасида юртдошларимизга яна бир бор намоён этишдан иборат эди.

Зокиржон ЖАЛИЛОВ,
танлов иштирокчиси, Фарғона вилояти:

— Мамлакатимизда буюк мақсадлар йўлида амалга оширилаётган вазифаларга муштарак равишда ёшларни билимди, одоб-ахлоқ, миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш, касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш каби оилавий анъаналар давом эттирилмоқда. Бугунги кўрик-танлов мамлакатимизда истиқомат қилаётган, ис-

тиқлол неъматларидан баҳраманд бўлаётган оилаларнинг бошқаларга ўрнатилган ҳаёт тартиб-ташвиқот, уммалаштириш, уларни ёш оилаларга намуна сифатида кўрсатиш каби эзгу саъй-ҳаракатлар рўйида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" мавзусидаги танловнинг Фарғона вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, минтақавий босқичга йўлланма олган эдик. Тўрт шарт бўйича ҳам пухта тайёргарлик кўрдик. Аммо, танлов ўз номи билан танлов. Ғолибликни қўлга киритган андижонлик маслакдошларимизга кўрик-танловнинг республика босқичида омад ёр бўлишини тилаймиз.

"Оилалар саодати — мустақиллик самараси" республика кўрик-танловининг Хоразмда ташкил этилган минтақавий босқичи ҳам қизгин руҳда ўтди.

Кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларидан сараланган энг ибратли оилалар белгиланган шартлар бўйича ўзаро баҳс олиб борди. Айниқса, иштирокчиларнинг ёшларни урф-одат ва анъаналаримизга, қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашга қаратилган саҳна кўри-нишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, бухоролик Жабборовлар оиласининг қадимий урф-одатларимиз ақс этган саҳна кўринишини ҳакамлар ҳайъати юқори баҳолади. Ушбу қадрият ёшларда миллий ўзликини англаш туйғусини юксалтириш, қадриятларимизга хурмат ҳиссини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Иштирокчиларнинг оилалар мустақамлиги, бахт-саодати юзасидан тақдим этган лойиҳалари бугунги кун оилаларига жамият, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётганини яна бир қарра исботлади. Иштироки оилалар унда ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, уларни турмушга тайёрлаш билан боғлиқ муаммо-масалаларни томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Қорақалпоғистонлик Қодирметовлар оиласининг қизларни турмушга тайёрлаш, уларга



касб-хунар ўргатиш ақс этган лойиҳаси партия дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоханлиги билан манзур бўлди.

Мазкур кўрик-танлов воситасида оилаларимиз бахт-иқболи, фаровон турмушимиз мустақиллик самараси эканлиги намойиш этилди. Тадбирда таъкидланганидек, оила кўргони, аввало, тинчлик-хотиржамликда мустақам бўлади. Оила соғлом экан, жамият мустақам, жамият мустақам экан мамлакат барқарордир.

Якуний натижаларга кўра, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши фаоли, хивалик Фарҳод Аминов оиласи ғолиб деб топилди. Бухоролик Ҳасан Жабборов оиласига иккинчи, қорақалпоғистонлик Назарбой Қодирметов оиласига учинчи ўрин насиб этди.

Дилдора РАЗЗОҚОВА,
Аминовлар оиласи вакили,
халқ депутатлари Хива туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Бугун мамлакатимизда оила институтини мустақамлаш, ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, яшаш шароитларини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасини оилалар турмуш фаровонлиги, шаҳару қишлоқларимиз ободлигида аққол кузатиш мумкин. Бугунги кўрик-танлов ҳам юртдошларимиз Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётганини яна бир бор намойиш этди. Иштироки оилалар мамлакатимизда кечаётган ис-

лохотларга ўз муносабатини билдириб, уларнинг самарасини ўз турмуш мисолида намоён қилди. Шу билан бирга, фарзандлар тарбиясида йўл қўйилаётган айрим камчиликларнинг олдини олиш, ёшларимиз миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш ҳам танлов иштирокчиларининг диққат-марказида бўлди. Кўрик-танловда оила аъзоларимиз билан иштирок этиб, юрт тараққиётида мустақам оиланинг ўрни, баркамол авлод тарбиясида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги бўйича ўз билим ва кўник-маларимизни баҳоли қудрат намойиш этила олганимиздан мамнунман.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси оила анъаналарига маънавий қадриятларнинг узвий қисми ва манбаи сифатида қарайди. Катталарни хурмат қилиш, ўзаро ёрдам, фарзандларни ҳар томонлама соғлом тарбиялаш, уларни эл-юрт қорига камарбаста этиб вояга етказиш, ўзбек оиласининг асосий тамойилларидан саналади. Шу боис бугун ЎзМТДП сафи ёш авлод тарбиясига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бугунги кўрик-танлов ҳам оилалар бахту саодатини таъминлаш, ёшларимизда миллий ўзликини англаш туйғусини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шоҳида ДАМАНОВА,
Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Таълим


Мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган, ўз манфатларини Ватан ва халқ манфатлари билан уйғун биладиган, ҳар жиҳатдан соғлом ва етук авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бой маданий меросимизни хурмат қиладиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янги фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги кунини маъсул яшатиш зиммасига олишга қодир ёшлар — юртимиз келажаги. Мана шу эзгу йўлда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш долзарб вазифадир.

Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетиде 45 таълим йўналиши ва 13 магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Математика, физика, кимё, биология ва тупроқшунослик, тарих, фалсафа, педагогика, тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, психология фанларидан йиллар давомида илмий мактаблар шаклланиб келган. Эришилган ютуқлар нафақат республикамиз, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилган.

Университетда ўқув-илмий мажмуа ташкил этилгани бу борадаги ютуқлар салмоғи янада ошишига замин яратмоқда. Бунда асосий мақсад — илмий мактабларни сақлаб қолиш, янгидан тиклаш ва фаолиятини янада кучайтириш. Бу фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустақамлаш, илмий-тадқиқот натижаларини иқтисодиётга кенг жорий қилиш, қолаверса, ёшларнинг назарий билимларини амалиётга татбиқ этишда жуда муҳим.

Бугунги таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, юқори суръатлар билан ўсиб бораётган жаҳон ҳамжамиятига интеграциялаштирилган интерфол педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали эришилади. Айниқса, талабаларнинг компьютер техникаси ва ахборот технологиялари, Интернет тармоғидан ёшларнинг самарали ҳамда хавфсиз фойдаланиши бўйича малакасини ошириш, таълимга оид долзарб электрон ресурсларни ривожлантириш асосий вазифалардан. Университет ўқув хоналари энг замонавий компьютерлар, электрон доскалар билан жиҳозланган. Буларнинг барчаси ўқув жараёнини янада яхшилашга хизмат қилмоқда, электрон ахборот

Салоҳиятли кадрлар — мамлакатимиз келажаги



рот оқимини шакллантириш мақсадида локал ва корпоратив оптик талаби тармоқ тўлиқ шакллантирилган. Жумладан, барча факультет ўқув бинолари ва талабалар турар жойлари, ахборот-ресурс марказлари оптик тола орқали Интернетга уланган. "wi-fi" тизими яратилган. Бу тизим нафақат талабаларнинг ўқиш имкониятларини оширишга, балки мактаб ўқувчилари орасидан иқтидорли ёшларни излаб топиш, улар истеъдодини рўёбга чиқаришда ҳам қўл келмоқда. Бу борада университетда компьютер тармоқларидан фойдаланиш бўйича янги масофавий электрон тизим ишга туширилди. Тизим интерфол ҳолатда вилоят мактабларининг иқтидорли ўқувчилари орасида сиртқи электрон олимпиадаси тарзида фаолият юритади ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни яхшилайдди. Шу билан бирга, мазкур дастурдан фойдаланиш мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини тўғри тақсимлашга, Интернетдан оқилона фойдаланиш асосларини шакллантиришга ёрдам беради.

Талабалар — инсон ҳаётининг олтин даври. Келажакка асос бўладиган зарур билим ва кўникмаларни йигит-қизлар айнан шу даврда эгаллайди. Утган ўқув йилида талабалар орасидан 1 Президент стипендианти, 1 "Ниҳол" мукофоти совриндори, 3 нафар давлат стипендиаси соҳиби, 9 фан олимпиадаси ғолиби, 32 нафар республика, 23 нафар халқаро спорт мусобақалари ғолиблари етишиб чиқди, ундан ортқ ёшларимиз мамлакат ва халқаро миқёсдаги турли илмий-ижодий танловларда ғолиб ва сов-

риндорларга айланишди. Университетда олимпиада, иқтидорли талабалар, магистрлар, корхона ва ташкилотлар вакиллари бирлаштирилган 10 инновацион корпоратив ҳамкорлик гуруҳларидан иборат "Таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион ҳамкор-

2015 йилда талабалар орасидан 1 Президент стипендианти, 1 "Ниҳол" мукофоти совриндори, 3 нафар давлат стипендиаси соҳиби, 9 фан олимпиадаси ғолиби, 32 нафар республика, 23 нафар халқаро спорт мусобақалари ғолиблари етишиб чиқди

лик" маркази ташкил этилди ва самарали фаолият олиб бормоқда. Илмий тадқиқот натижалари асосида илмий ишланмалар тайёрланиб, ҳар йили "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" республика ярмаркасига олиб чиқилмоқда. Жумладан, 2015 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" VIII республика ярмаркасида университет профессор-ўқитувчилари йигирмага яқин илмий ишланмалари билан қатнашиб, жами қиймати 3 миллиард сўмлик шартномалар тузилди. Бундай муваффақиятли илмий ишланмалардан бири университетимиз олимлари ишлаб чиқараётган, халқаро ISO 9001 сифат сертификатига эга антикоррозия қоплама материаллари ҳозирда Чехия ва Сингапур давлатларида экспорт

қилинмоқда.

Ҳозирда университетда 12 ихтисослик бўйича 26 катта илмий-ҳодим ва 18 мустақил изланувчи докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Ана шундай мустақил изланувчиларимиздан А. Яхшимуратов ўтган йили мунтаздан олдин математика ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди ва яна 6 ўқитувчи жорий йилда докторлик диссертацияларини химояга тайёрламоқда.

Университет хориждаги етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Бунинг натижасида бугунги кунга келиб университетда 20 дан ортқ лойиҳалар амалга оширилди. Юз нафардан ортқ профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва талабалар ривожланган давлатлар университетлари ва илмий марказларида малака ошириб қайтирилди. Шунингдек, сўнги 5 йилда университетга АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Корея, Италия, Испаниялик мутахассислар узоқ ва қисқа муддатларга ташриф буюриб, ўзаро тажриба алмашишди.

Бугун дунё статистикасига мурожаат қилсак, ривожланган давлатларда фан, технология, инженерия ва математика соҳалари мутахассисларига талаб тобора ошиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан университетда 5 йиллик истиқболли режа ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу режа асосида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда бу соҳаларнинг муқобил энергия, татбиқий статистика, биоматематика каби жадал ривожланаётган йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашга ва малакасини оширишга қаратилган янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Калифорния давлат университети олимлари ҳамкорлигида АҚШнинг "Миллий фан жамғармаси"га янги лойиҳа тақдим қилинди. Ушбу лойиҳа доирасида ҳар икки мамлакат талабалари ёзги таътил пайтида юртимизнинг йирик математик олимлари билан 2 ой илмий ишланиш олиб бориш имкониятига эга бўлади. Яна бир ютуғимиз — университет олимлари Европа Иттифоқининг "Эрасмус+" дастури доирасида таълимни ривожлантириш, талаба, профессор-ўқитувчилар ва хо-

димлар алмашиш лойиҳаларида фаол иштирок этаётгани. Утган йили университетнинг математик олимлари бу дастур доирасида йирик халқаро грант ютиб олди ва жорий йилда математик инженерия соҳасида хорижий университетлар билан ҳамкорликда магистратура очиб режалаштирилган. Ўзбекистон — АҚШ олимлари ҳамкорлиги доирасида Калифорния давлат университети олимлари билан 2014 йил май ойида икки мамлакат олимларининг биринчи халқаро конференцияси ўтказилди. Унда математика, физика, кимё ва биология йўналишлари бўйича 30 дан ортқ ўзбек олимлари иштирок этдилар. Навбатдаги конференцияни 2017 йил август ойида Урганч давлат университетиде ўтказиш режалаштирилган.

Шу ўринда айтиш жоиз, Хоразм Маъмуна академияси ва университет олимлари ўртасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, талабаларнинг амалиётлари ва лабораториялардан биргаликда фойдаланиш бўйича шартномалар тузилган. Ҳамкорликда анжуманлар ва илмий семинарлар ўтказиш аҳамиятига айланган. Ҳозирда академияда амалга оширилаётган 11 лойиҳанинг 7 тасида университет профессор-ўқитувчилари иштирок этмоқда. Бу лойиҳалар доирасида Оролбўйи экотизимини яхшилаш, ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш, математика соҳасида, доривор ўсимликлар генофондини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориламоқда.

Буларнинг барчаси мавжуд илмий мактаблар фаолиятини ҳар томонлама тарғиб қилиш, илм-фанга истеъдодли ёшларни кенг жалб этиш билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, илм-фан ва инновацион ҳаётимиздаги аҳамияти ошса, турмушимиз обод ва фаровон, мустақиллигимиз янада мустақам бўлади.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат университети ректори, профессор,
халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

МММда

АТБ "Қишлоққурилишбанк"да бир пластик карточкадан бошқа пластик карточкага маблағ ўтказиш имконини берувчи "P2P" хизмати жорий этилди.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Қишлоққурилишбанк" томонидан замонавий банк технологиялари асосида яратилаётган қулайликларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда АТБ "Қишлоққурилишбанк" бошқаруви раиси ўринбосари Ф. Абдурахмонов ва бошқалар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида банк тизimini тубдан ислоҳ этиш

Янги хизмат турлари

аҳолига қулайликлар яратади

ва янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида банкларнинг капиталлашуви даражаси юксалиб, инвестицион фаоллиги кенгайиб бораётганини, муддатли ва жамғарма омонатлар салмоғини ошириш, соҳада нақд пул муомаласини қисқартириш, замонавий банк технологияларига асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизimini янада ривожлантириш борасида самарали ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Молия муассасаси "Sms-омонат" хизматини йўлга қўйгани омонатчи ларнинг вақтини тежаш ва сифатли хизмат кўрсатишда қўл келаётди. Минтақавий филиалларда "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун асосида фуқароларнинг омонатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, омонатлар билан боғлиқ операцияларни мижозларнинг иштироки-

сиз амалга оширилмаслигини қатъий назоратга олиш мақсадида шахснинг бармоқ излари намунасидадан фойдаланиш — "Биометрик идентификациялаш" тизими жорий қилинмоқда. Бу қулайлик орқали омонат ҳисобварақларидаги маблағлар билан боғлиқ операциялар фақат омонат эгаси бўлган мижознинг бевосита иштирокида амалга оширилади, омонат маблағларига нисбатан банк ходимларининг дахлсизлиги таъминланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизimini ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтирмоқда.

— Бугун муомаладаги банк пластик карточкалари 510 минг, банк хизмати, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терми-

наллар сони эса 9784 тани ташкил этади, — дейди пластик карточкалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жавоҳир Алимов. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк филиалларига қўшимча 50 минг дона пластик, 1100 терминал етказиб берилди. Янги ташкил этилган "Ягона дарча" ҳудудларида, аҳоли гавжум жойлар, йирик савдо мажмуаларига 4 банкомат ва 35 инфокиоск фойдаланишга топширилди. Йил якунигача яна 2500 терминал ва 200 минг пластик карточка келтирилиши, юз дона инфокиоск сотиб олиш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида АТБ "Қишлоққурилишбанк" "Uzkart-EMV" тўлов тизимидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, терминналлар тармоғини кенгайтириш, "online" режимда ишловчи "Smart-vista" карточкалари муомалага киритилишини жаддалаштириш, улар орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Миллий гурур

Спорт — иродани тоблайти

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бунинг самарасида паралимпиячиларимиз спорт оламининг нуфузли мусобақалари — Паралимпия ва Пароосиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Яқинда паралимпиячиларимиз Тунисда энгил атлетика бўйича ўтказилган Гран-при мусобақасида олти олтин медални қўлга киритгани бунга далил. Ўттизга яқин давлат спортчилари иштирок этган мусобақада голиб чиққан 6 спортчи ичиди Дилафрўз Аҳмадхонова ядро улоқтиришда тенгсиз деб топилди.

— Галаба нашидаси қанча қадрли бўлса, бунга элтган йўл ҳам шунчалик машаққатли, — дейди Дилафрўз. — Спортда эришаётган ютуқларимиз, аввало, ота-онам, устозларимнинг меҳнати ва, албатта, юртимизда биз ёшларни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган доимий ғамхўрлик туфайлидир. Ёши катталардан кўн эшитаман: "Ёшлигимда спортга қизиққанман, бироқ бизнинг давримизда шунчаки шугулланиш учун ҳам тайинли шароит йўқ эди..." Спорт билан шугулланишга шароит бўлмагандан кейин юқори натижа ҳақида қанақа гап бўлиши мумкин? Бир пайтлар ёшларимиз халқро мусобақаларда чемпион бўлиш у ёқда турсин, ақалли қатнашолмаган. Бугун эса юртимизнинг барча ҳудудида, ҳатто энг олис қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилган. У ерда ёшларнинг спорт билан шугулланиши учун барча шароит мавжуд. Чемпион бўлишдек эзгу мақсадга интилган иқтидор эгаси борки эътибордан четда қолмайди. Бундан буён ҳам халқро чемпионатларда муносиб иштирок этиб, халқимиз ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қиламан. Мақсадим — паралимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиш ва Ватанимиз шарафини янада улуғлаш...

Миллий терма жамоамиз аъзоси Дилафрўз Аҳмадхонова шу мақсад йўлида қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Айни пайтда Тошкент шаҳрида машғулотлар авж палласига чиққан.

— Дилафрўз 2013 йилдан буён спорт билан шугулланиб келмоқда, аммо у ўзининг иродалилиги, тиришқоқлиги билан қисқа вақтда қатор ютуқларга эришиб улгурди, — дейди энгил атлетика бўйича паралимпия терма жамоаси бош мураббийи Сардор Абдуҳолиқов. — Ўтган йили октябрь ойида Катарианг Доха шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ядро отиш бўйича ўз натижасини 8,5 метрга етказиб, юқори натижага эришди. Қувонарлиси, Дилафрўз паралимпия ўйинларининг ядро улоқтириш тури бўйича жаҳон рейтингига 5-ўринни эгаллаб турибди. Ишонаманки, шогирдим Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришдек эзгу мақсадини, фарзандлик бурчини чин дилдан адо этади.

Ҳа, инсон иродасини букиб бўлмайди. Агар киши Ватанини чиндан севса, ўз орзуларига етишиш учун сиқидилганидан интилса, унинг жойи шохшупанинг энг юқори чўққиси. Зеро, Ўрдабшимиз айтганидек, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам.

Тўмарис АЪЗАМ, "Milliy tiklanish" мухбири

Фестиваль

Навоийда фольклор жамоалари ва бахшиларнинг "Нурли наволар" республика фестивали бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги, Бадиий академия, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Олтин мерос" халқро хайрия жамоат фонди ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан фольклор-этнографик ансамбллар, бахшилар, оқин ва жигарлар иштирок этди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида маданий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, қадимий халқ ижрочилиги намуналарини қайта тиклаш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Нурли наволар" да акс этган мерос

Дастлаб Нурота тумани марказидаги Чашма мажмуасида карнай-сурнай, дугор ва чанқовузининг сеҳрли наволари таралиб, ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонларни фестиваль деб буюрди — халқ сайлига чорлади. Майдонга бадий-фольклор, миллий рақс жамоалари кириб келди. Шу эрининг ўзида барпо этилган мўъжаз сахналарда ҳар бир бадий жамоа фестивал учун тайёрлаган мусикий дастурини ижро этди.

— Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва келажак авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти "Ризвонгул" фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари Тошпўлат Халилов. — Ушбу фестивалнинг уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтгани халқимизнинг ўз маданий меросига бўлган юксак ҳурматининг яна бир далили бўлди.

Фестиваль Ҳатирчи туманида Пўлкан шоир хотирасига барпо этил-

ган майдонда давом этди. "Бахшилар юртини қуйлайди" II анъанавий фестивали ҳам миллий маданий меросимизга бўлган юксак эътибор ва эҳтиром намунасида айланди. Бу ерда санъат ва ижод иқлосмандлари, юрт ардоғидаги бахшилар, фольклор-этнографик жамоалар тўланди. Халқ сайллари, кўчқор ва хўроқ уриштиришлар, кураш мусобақалари уюштирилган фестивалга янада жўшқинлик, бетакрор миллий руҳ бағишлади.

Айтиш жоиз, Мухаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан машҳур бахши, ўзбек достончилик мактабининг асосчиси-ридан бири эди. Бахши 70 дан ортиқ достонни ёд билган. Юртини қуйлаб, инсонийлик, эзгулик ва меҳр-оқибатни тараннум этган шоир ўзидан бой маънавий мерос қолдирди. Бахши ҳайқоқлик қад ростилаган майдонда ободонлаштирилди, манзарали дароҳ ва турфа гул қўчалари экилди. Кўркам фавворалар майдонга ўзгача файз бағишлаб турибди.

Фестивалда биринчи ўринни хоразмлик Рўзимбой бахши Нормаматов кўлга киритди. Иккинчи ўрин Навоий вилоятдан Сунғат Жумаханов ва Хоразм вилояти вакили Достон Нормаматовга насиб этди. Сурхондарё вилоятдан Абдуназар Поёнов, Қашқадарёлик Баҳром Раҳимов, Жиззах вилояти вакили Нишонбой Ҳорозов учинчи ўринга сазовор бўлди.

Фольклор-этнографик халқ ансамбллари орасида Қорақалпоғистон Республикасининг "Шуъла" ва Навоий вилоятининг "Нуржаҳон" жамоалари биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўринни Хоразм вилоятининг "Хоразм" ва "Мерос" жамоалари эгаллади. Учинчи ўрин Қашқадарё вилоятининг "Ризвонгул", Самарқанд вилоятининг "Бешқарсақ" ва Фарғона вилоятининг "Қўқор ёр-ёри" жамоаларига насиб этди.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

"Қонунчиликни мустаҳкамлаш, инсонларда қонунга ҳурматни, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш" мавзусида

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Куйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

- 1. Худудий электрон ОАВда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, принциплари ва мақсадларини очиб беришга, Бош қонун нормалари мезёрлари ҳақидаги билимлар тарғиботи, 2011 ва 2014 йилларда унга доир қабул қилинган тузатишларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган махсус телерадио дастурлар, роликлар тайёрлаш; 2. Жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини, уларнинг, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган (оддий фуқаролар, тадбиркорлар, пенсионерлар, ноғиронлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида хабардорлигини янада оширишга қаратилган туркум маънавий-маърифий тадбирлар (давра суҳбатлари, семинарлар, теле ва радио дастурлар, матбуот ва интернет тармоғидаги мақоалалар) ўтказиш; 3. Худудий электрон ва босма ОАВда барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, турли соҳалар (йўл ҳаракати қоидалари, шаҳарсозлик нормалари, коммунал ва йўл ҳўжалиги, қўшнарлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва бошқалар)да қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик фактларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши муҳитини шакллантиришга қаратилган материаллар тайёрлаш; 4. Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари билан биргалликда қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ долзарб масалаларни

аҳолига тушунтириш мақсадида телевидение, радио, босма нашрлар, интернет тармоғида махсус рунклар тайёрлаш;

- 5. Шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд ҳуқуқий механизмлари ҳақида фуқароларнинг хабардорлигини оширишга, уларда амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билими, малакалари, қўнқималари ва тайёргарлигини шакллантиришга қаратилган мавзуга оид телерадио дастурлар, мақоалалар тайёрлаш; 6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлари, жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун уларнинг ваколатларидан фойдаланиш имкониятлари билан аҳолини таништириш бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш; 7. Худудий ОАВда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уни амалиётда қўллаш механизмлари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш; 8. Қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши бўйича республикада олиб борилаётган ишлар (таклиф этилаётган янги нормаларнинг, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш механизмларининг аҳамияти) ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш; 9. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижро этилиши борасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларининг жамоатчилик ўртасидаги муҳокамаларини ўтказишга кўмаклашиш; 10. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, ҳуқуқий билимлар-

яратиш, ёшларнинг республика ва халқро танловлар, олимпиадалар ва мусобақалардаги иштирокини ўз ичиди ўз интеллектуал салоҳиятини амалга оширишини рағбатлантириш;

8. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи принципларини мустаҳкамлаш, жисмоний маданият ва спортни омалаштириш, ўсиб келатган авлоднинг ақлоқлигини, гиеҳандлик, ахлоқсизлик, "оммавий маданият"нинг таъсирлари, таҳдидларидан асраш;

9. Ёшларда соғлом ва обод оилани барпо этишга интилишни шакллантириш, уларнинг наслини ва турмуш касалликлар профилактикаси масалаларига доир билимларини ошириш, оилада ижтимоий-психологик муаммоларнинг, эрта никоҳлар ва ажралишларнинг олдини олиш, ёшларнинг онгига тўйи маросимларини ортиқча ҳашаматсиз ва ҳаддан ортиқ исрофгарчиликсиз ўтказишнинг муҳимлигини сингдириш;

10. Ёшларни, энг аввало, касбухона коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятга кенг қилиш, айниқса, қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

11. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни спорт турлари, фан ва санъатга қизиқтириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

12. Ёшларда Ватанга қўқор муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан фахрлини ва ҳарбий хизматга ҳурмат ҳисларини тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида ва маҳалларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш;

13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва манфаат-

ларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари нормаларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда жамоатчиликнинг, фуқаролик жамияти институтларининг ролин кучайтириш.

Давлат гранти ажратилиши учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- 1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати; 2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза; 3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган устав (низоом) нусхаси; 4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси; 5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси; 6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин. Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори – 25 миллион сўмгача. 7. Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади. 8. Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, 1-уй. 9. Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

"Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзусида

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Куйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

- 1. Ўсиб келатган авлодда ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга ғамхўрлик кўрсатиш, меҳрибонлик ва инсонийлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик, Ватани ва халқига садоқат каби юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш; 2. Кекса ёшдаги шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгиллилар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ёшларни кенг жалб қилиш; 3. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаролик онгини юксалтириш, уларнинг маънакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш; 4. Ёшларнинг туғилиб ўсган ўз ўлкаси тарихи, маданияти ва мезморий обидалар ҳақидаги билимларини бойитиш, шу жумладан, махсус клублар фаолиятини ташкил этиш, экскурсиялар ўтказиш, ахборот материаллари, буклетлар, стендларни чоп этиш ва тарқатиш орқали бойитиш; 5. Ўсиб келатган авлодда китоб ўқишга бўлган қизиқишни ривожлантириш, адабий дидни шакллантириш, китобга муҳаббат ва эҳтиёткор муносабатни тарбиялаш, ёшларда ўқишга бўлган интилишни ошириш, қундалик ҳаётда китоб ўқишнинг амалий қадрини очиб бериш; 6. Техник йўналишдаги касбухоналар нуфузини ошириш, ёшларда муҳандислик билиминини эгаллаш, танланган мутахассислик бўйича юқори малака олишга бўлган интилишни шакллантириш; 7. Ёш авлодни фан ва санъатга қизиқтириш учун зарур шароитлар

Бизнинг шарх

Словения парламенти

унда қонун лойиҳалари сайловчиларнинг камида беш минг нафари ташаббуси билан ҳам илгари сурилиши мумкин

Словения Республикаси — Болқон ярим оролининг шимоли-ғарбида жойлашган давлат. Майdonи 20,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллиондан зиёд. Поитахти — Любляна шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 62 туманга бўлинган. Ғарбдан Италия, шимолдан Австрия, шарқдан Венгрия ҳамда жануби-шарқдан Хорватия билан чегарадош. Шу билан бирга — евро. 2004 йил 1 майдан бошлаб Европа Иттифоқининг аъзоси. Амалдаги Конституцияси 1991 йил 23 декабрда қабул қилинган. Унга 1997-2006 йилларда беш марта тўзатиш киритилган. Давлат бошлиги — Президент. Қонуни чиқарувчи ҳокимиятини икки палатали парламент — Давлат мажлиси ва кенгаши, ижро ҳокимиятини Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Парламент аъзолари Любляна шаҳрида таниқли меймор Винко Глави лойиҳаси асосида 1954-1959 йилларда бунёд этилган саройда йиғилади.

Давлат мажлисида умумий, тенг, тўғридан-тўғри ҳамда яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланадиган 90 депутат фаолият юритади. Уларнинг 88 нафари пропорционал, бир нафари италян, яна бир нафари венгер миллий жамиятидан мажоритар сайлов тизими асосида сайланади. Давлат мажлиси ўз фаолиятини депутатлар таркибининг учдан икки қисми овози билан қабул қилинадиган регламентга мувофиқ ташкил этади. Давлат мажлиси раиси депутатлар кўпчилиги қисмининг овоз бериши орқали сайланади. 2014 йилдан буён Милан Брглез палата спикери лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Парламент сайловини Президент эълон қилади. Парламентга сайлов амалдаги депутатларнинг ваколат муддати тугашига кўпи билан икки ой, камида 15 кун қолганда ўтказилиши лозим. Давлат мажлиси тарқатиб юборилган тақдирда парламентнинг янги таркиби икки ой ичида сайланиши шарт. Аввалги чақириқ парламент аъзоларининг ваколати янги сайланган депутатлар иштирокида ўткази-

ладиган илк сессияда ниҳоясига етади. Парламентнинг янги аъзолари иштирокидаги илк сессия сайловдан сўнг йигирма кундан кечиктирилмай, Президент ташаббуси билан чақирилиши лозим. Парламент одатдаги ҳамда навбатдан ташқари сессияларда йиғилади. Ҳар иккала сессияни Давлат мажлиси раиси чақиради. Фавқулодда сессиялар эса депутатлар таркибининг тўртдан бир қисми ҳамда Президент ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Парламент қонун ва қарорлар қабул қилиб, халқаро шартномаларни ратификация этади. Қонун лойиҳалари ҳукумат, сайловчиларнинг камида беш минг нафари ташаббуси билан ҳам илгари сурилиши мумкин. Давлат мажлиси қонун ва қарорларни сессияда депутатларнинг асосий қисми ҳозир бўлганида қабул қилади.

Парламент аъзолари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Ҳеч қайси депутат парламент мажлислари ҳамда унинг ишчи органларида билдирган фикрлари, берган овозлари учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар депутат беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилса сабаб бўлувчи жиноят содир этмаган бўлса, Давлат мажлиси рухсатсиз қамоққа олинмайди, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Парламент аъзолари таркибининг учдан бир қисми ёки қирқ минг сайловчи кўллаб-қувватлаган тақдирда Давлат мажлиси ҳар қандай масала юзасидан референдум ўтказиши мумкин. Референдумда сайлаш ҳуқуқига эга фуқаролар иштирок этади. Референдум ўтказиш тартиби депутатларнинг учдан икки қисми овоз бериши орқали қабул қилинадиган қонун воситасида тартибга солинади.

Давлат кенгаши юқори палатага хос ваколатларга эга, 40 аъзодан иборат. Уларнинг 22 нафарини маҳаллий ҳокимият органлари сайловчилари сайлайди. Палатага сайланадиган аъзоларнинг 18 нафари эса иш берувчилар касаба билан шимаси, маданият, таълим, илм-фан, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари, хусусий тадбиркорлар ҳамда бошқа касб эгаларидан иборат бўлиши шарт. Палата аъзоларининг ваколат муд-



дати — беш йил. Улар тўлиқ асосда фаолият юритмайди ҳамда парламент депутатлар оладиган маошнинг 30 фоизига тенг миқдорда ҳақ олади. Давлат кенгаши раиси 2,5 йил муддатга сайланади. Унинг ваколати яна шунча муддатга, яъни палата аъзолари ваколати тугагунга қадар давом этиши мумкин. Давлат кенгаши ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан мажлислар ўтказиши, Давлат мажлиси кўриб чиқиши учун қонун лойиҳаларини илгари суради. Давлат кенгаши аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда улар қабул қилган қарор қонуний кучга эга. Давлат кенгаши аъзоси бир вақтнинг ўзида Давлат мажлисининг ҳам аъзоси бўлиши мумкин эмас. Палата аъзолари ҳам худди депутатлар сингари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Давлат кенгаши куйи палата қабул қилган қонунни у эълон қилинганга қадар, етти кун ичида қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли. Қонунни қайта кўриб чиқиш жараёнида уни палата депутатларининг асосий қисми маъқуллаган тақдирда қонун қабул қилинган ҳисобланади. Президент қабул қилинган қонунни саккиз кундан кечиктирмай эълон қилиши шарт. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар одатда давлат расмий ахборотномасида чоп этилади. Эълон қилинган қонун ўн беш кун ўтиб, кучга киради.

Зарурат тугилганида парламент ҳукумат таклифи билан фавқулодда вазият эълон қилиши ва уни бартараф этиш юзасидан зарурий чора-тадбирлар қўриши мумкин. Агар фавқулодда ҳолат депутатлар ваколат муддати тугайдиган пайтга тўғри келиб қолса, палата аъзолари ўз фаолиятини вақтинча давом эттириб туради. Уларнинг ваколати фавқулодда вазият бекор қилингандан олти ой ўтиб ёки Давлат мажлиси қарори билан ундан аввалроқ тугатилиши мумкин. Бундан ташқари, Давлат мажлиси депутатлари ёки Давлат кенгашининг учдан бир қисми талаби билан жамоатчилик қизиқишларига тааллуқли масалалар юзасидан тафтиш ўтказиш юзасидан қарор қабул қилади. Бунинг учун тафтиш комиссияси тузилади.

Қабул қилинадиган қонунлар Конституцияга мувофиқ бўлиши даркор. Қолаверса, қонунлар халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган меъёрлари, парламент ратификация қилган амалдаги халқаро шартномаларга зид бўлиши мумкин эмас. Конституцияга ўзгартиш киритиш ташаббусини Давлат мажлисининг йигирма нафар депутати, ҳукумат ҳамда ўттиз мингдан кам бўлмаган фуқаролар илгари суриш ҳуқуқига эга. Асосий қонунга ўзгартиш киритиш борасидаги қарор парламент мажлисида ҳозир бўлган депутатлар кўпчилигининг учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинади. Давлат мажлисининг камида ўттиз депутати талаби билан Конституцияга ўзгартиш киритиш масаласи референдумга қўйилиши мумкин. Референдумда иштирок этган сайловчиларнинг аксарияти бу масалани маъқуллаб овоз берган тақдирда унга ўзгартиш киритилади. Халқаро шартномалар ратификация қилинаётган пайтда Давлат мажлиси аъзоларининг учдан бир қисми, Президент, ҳукумат уни Конституцияга нечоғлиқ мувофиқ келиши масаласига оидинлик киритиш учун Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай вазиятда Конституциявий суд қарори ҳисобга олиниши шарт.

2014 йил 13 июлда Словенияда муддатидан аввал парламент сайлови ўтказилди. Унда 2013 йилда мамлакатнинг амалдаги Бош вазир Мирослав Церар асос солган сўл марказлашган SMC партияси 36 мандатни кўлга киритиб, ғалаба қозонди. Словения демократик партияси 19 мандат билан иккинчи ўринни банд этди. Пенсиялар демократик партияси эса 10 мандат билан учинчи бўлди. Қолган сиёсий партиялар эса парламентда нисбатан кам ўринга эга бўлди. Энг ажабланилиси, 2011 йилги сайловда сайловчиларнинг 28,55 фоиз овозини кўлга киритиб, парламентда 28 ўрин билан ғолиб бўлган "Ижобий Словения" партияси бу гал бирорта ҳам ўринни кўлга киритмади. Ғолиб бўлишига қарамай, SMC партияси ҳукуматни шакллантириш учун етарли ўринларга эга бўлмади. Шу боис бошқа сиёсий партиялар билан коалицияга бири-лашишга мажбур бўлди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Меҳнаткаш-робот

Япониянинг замонавий дизайндаги қурилмаларни жиҳозлаш билан шугулланувчи "Taguchi Industrial" компанияси биналарни бузиб, харобаларни йиғиштиришга мўлжалланган машина ихтиро қилди, дея хабар бермоқда "24gadget.ru".

Қурилмага "Super Guzzilla" номи берилди. Роботнинг оғирлиги 15 тоннадан ошадиган бўлиши эса 5 метр. У мустақам металл корпус, материалларни кесиш ва эзиб ташлаш учун иккита индустриал манипулятор-қўллар, ҳар қандай жойда ҳаракатлана оладиган баҳайбат юк машинаси гилдирақларига эга. Компаниянинг бундай манипуляторга эга илк машиналари 1995 йил Япониянинг Кобе шаҳрида юз берган аянчли зилзила ҳамда 2011 йилда Тохоку минтақасида содир бўлган цунами пайтида юзага келган вайроналарни бартараф этиш пайтида синовдан ўтказилган. Ушунда роботнинг мустақамлиги исботланган эди.



Дронлар — мижозлар хизматида

Эйндровен технология университети (Нидерландия)нинг 60 йиллиги муносабати билан учар дронлар хизмат кўрсатадиган дунёдаги илк кафе иш бошлади. Бу ҳақда "techcult.ru" хабар бермоқда.


Лойиҳани амалга оширишда университетнинг 20 талабаси 9 ой меҳнат қилди. Лойиҳа раҳбари Тессис Хартжеснинг айтишича, у ва унинг ҳамкасблари нафақат робот-официантни, балки ҳар ким ўзи хоҳлаганча дастурлаш имкониятига эга ускуна ихтиро қилишди. "Blue Jay" номли дрон оқ рангли учар липочани ёдга солади. Учар робот столга учиб келиб қўнади, мижозлардан буюртма қабул қилиб, уни махсус қўллар воситасида олиб келади.

"Учар доска"

Гидроциклларда ўтказиладиган мусобақалар иштирокчиси Фрэнк Запата "учар доска" ихтиро қилди.

Спортчи 2011 йилда ҳам шунга ухшаш лойиҳага м у а л л и ф л и к қилиб, фақат сувда учишга мўлжалланган доска ихтиро қилган эди. Спортчи бу галги ихтиросини "Flyboard Air" деб номлади.

"Учар доска" турбореактив двигател воситасида ҳаракатланади ҳамда одамни маълум баландликка кўтар олади. Унинг учиш давомийлиги — 10 дақиқа. Интернетда Фрэнкиннинг "Flyboard Air" ни илк бор синовдан ўтказгани ҳақидаги видеоларча жойлаштирилди. Фақат синов кўл устида ўтказилди, унда спортчининг ўзи иштирок этди. Чунки ускунадаги ҳатто кичик носозлик ҳам қутилмаган ҳалокатни келтириб чиқариши мумкин эди. Қолаверса, парашют бундай баландликда фойдасиз: у очилишга улгурмайди. Парвоз муваффақиятли чиқди. Хафсизлиги ҳали тўла қафолатланмаган бўлса-да, келажакда бу ускуна шахсий учиш воситаларини яратишда қўлланма бўлиши мумкин.



Рангин дунё

Хитой Тайпейнинг Тайбэй шаҳрида жойлашган, маҳаллий аҳоли орасида "Тайбэй 101" номи билан аталувчи бино дунёдаги энг баланд ишоотлардан саналади. Осмонўпар бино 101 қаватли бўлиб, баландлиги 509,2 метр. Ишоотнинг ўзига хос томони — у ҳам замонавий, ҳам миллий мейморчиликнинг энг яхши жиҳатларини ўзида сингирган. Тайбэй молия корпорациясига қарашли ишоотнинг қуйи қаватларида савдо марказлари, юқори қаватларида эса туриш идоралар жойлашган. Бундан ташқари, унинг ичида юзлаб дўкон, ресторан ва клублар мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бинони лойиҳалаштириш ишлари 1997 йилда олиб борилди. Уша вақтдан бошлаб шаҳар раҳбарияти ҳамда 66 қаватли ишоот қуришни мақсад қилган сармоядорлар ўртасида музокаралар бошланди. Бинонинг тамал тоши қўйилган 1998 йилнинг 13 январидан уни янада баландроқ қуришга қарор қилинди. Мазкур маросимдан ўн ой ўтиб, 101 қаватли бинони қуриш учун рухсат берилди. 1999 йилдан бошлаб эса унинг қурилиши бошланди. 2002 йил 31 мартда юз берган 6,8 балли зилзила мажмуанинг мустақамлигини

"Тайбэй 101"

ёхуд дунёдаги энг баланд биналардан бирининг ўзига хос синоатлари

илк бор синовдан ўтказди, дейиш мумкин. Афсуски, ер силкиниши кучли бўлгани сабабли икки кўтарма кран ишдан чиқди, 5 киши ҳалок бўлди. Олиб борилган тадқиқот ишлари табиий офат бинога ҳеч қандай зарар етказмаганини исботлади. Шу боис қурилиш ишлари яна давом эттирилди.

"Тайбэй 101" ишоотининг очи-лиш маросими 2003 йил 17 ноябрда ўтказилди, 13 декабрда фойдаланишга топширилди. Сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай, Тайбэй шаҳрида 3,2 ва 3,8 балли у қадар кучли бўлмаган ер силкинишлари қайд этилди. Ушунда баъзи олимлар зилзила ишоот таъсирида юзага келганини таъкидлади. Хусусан, мамлакат миллий университети ходими, геолог Чэн Хун Линь ишоот жойлашган ҳудудни тадқиқ этиб, бино шаҳарнинг ер ости тузилишига таъсир кўрсатиб, зилзилалар юзага келишига сабаб бўлиши мумкинлигини тахмин қилди. Бироқ бу фикр эътиборсиз қолдирилди.

Айтиш жоиз, "Тайбэй 101" ишооти 500 метр баландлиқни забт этган дунёдаги илк осмонўпар бино

ҳисобланади. Яъни у Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридаги "Петронас" эгизак биналаридан 57,2 метрга ўзиб, дунёдаги энг баланд ишоотга айланди. Бундан аввал Гаосюн шаҳрида жойлашган "Тантеск Скай Тауэр" (347,5 метр, 85 қават) Хитой Тайпейдаги энг баланд ишоот саналарди. Бироқ бугун дунёдаги энг баланд осмонўпар бино — Дубай шаҳридаги "Бурж Халифа". 2010 йил 4 январдан бошлаб одамларга хизмат кўрсатишни бошлаган ишоотнинг баландлиги 828 метр бўлиб, бу "Тайбэй 101" дан 319 метрга баланд. Айни пайтда "Тайбэй 101" дунёдаги энг баланд осмонўпар биналардан бирига айланган. Бинонинг "Тайбэй 101" деб номлангани раъсий маънога эга. Биринчидан, у 101 қаватли. Қолаверса, ишоот қуриб битказилганда янги асрга қадам қўйилган эди. Ишоотнинг ташқи томондан саккиз бўлмали қилиб қурилгани ҳам беҳиз эмас. Сабаби хитойликлар саккиз рақамини омад ва бахт



келтиради, деб ҳисоблайди. Осмонўпар бино жануби-шарқий Осиёга хос иқлим инжиқликлари —

Ҳам тотли, ҳам соғлиққа фойдали

Юртимизда тутнинг турли навлари ўсади: балхи, хасак, оқ, шоҳ-тут... Оқтут таркибида киши организмига фойдали бўлган қанд, органик кислоталар, С витамини, ошловчи моддалар, баргида эса каротин, эфир мойи, микроэлементлар, углеводлар, холин, аминокислоталар бор.



IX-X асрларда яшаб ўтган Абу Мансур тутни юқори нафас йўллари хасталикларидан йўтал қолдирувчи ва шамоллашга қарши даво ўрнида ишлатишни тавсия этган. Машҳур табиб Хусайн Шерозий эса ўз асарларидан бирида "Тут одам танасида тоза қон пайдо қилади, миёга қувват беради, аъзолардаги тиқинларни очади, жигар ва талокнинг иш фаолиятини яхшилайдди, пешоб ҳайдовчи ҳамдир", дея таъкидлаб ўтган. Абу Али ибн Сино "Нордон тут оғиз ва томоқ шишларини қайтаради, унинг барги томоқнинг икки томонидан чиққан шишларга фойдалидир. Нордон тут баргининг суви билан оғиз чайилса, тиш оғриғига даво бўлади. Тутнинг ҳамма хилини овқатдан олдин ейиш керак, шунда улардан меъдага зарар етмайди" деб ёзган.

Абу Али ибн Сино оқтут баргини ангино, қуритилмаган барг ширасини эса тиш оғриғига тавсия қилган. Мева шираси билан оғиз ва томоқдаги шишларни, ичбуруғ касаллигини даволаган ҳамда пешоб ҳайдовчи дори сифатида ишлатган. Халқ табаотида оқтут иситма чиққанда, ичак касалликларида, қонни тозалашда ишлатилади. Тут пўстлоғи (қайнатмаси ва кунжут ёғида тайёрланган суртма дори) яраларни даволашда ҳамда балғам кўчирувчи, дори сифатида қўлланилади. Барг қайнатмаси киши шамоллаб, иситилган қолганда, ҳароратни пасайтиради.

Оқтутни халқимиз "марварид тут" деб таърифлайди. Дарҳақиқат, оқтут худди марварид донларини эслатади. Ундан нафас йўллари касаллигини даволашда фойдаланилади. Бунинг учун 800 грамм шакар бир литр сувга солинади ва қайнатилади. Шакар эриши кутулади, сўнгра тут ва битта лимон шарбати қўшиб, қайнатилади. Беш дақиқадан кейин оловдан олинади. Бир ошқошиқдан 5-6 маҳал ичилади. Камқонлик, қандли диабетда янги тутни яхшилаб эзиб, қориштирилади. Икки ошқошиғи бир стакан қайнаган сувга солинади. Термосда тўрт соат тиндирилади. Кунига тўрт маҳал, овқатланишдан олдин 1/4 стакандан ичилади. Юрак хасталиғида хар кун 4-5 маҳал, овқатлангандан сўн 250-300 грамм тут ейилади. 3-4 ҳафтадан сўн шифоси сезила бошлади. Ич кетиши, меъда ва ичак касалликларида икки ошқошиқ майдаланган тут бир стакан қайнаган сувда тўрт соат тиндирилган, сузиб олинади. Кунига 3-4 маҳал, овқатланишдан олдин 1/4 стакандан ичилади (ич кетганда хом тут қайнатмаси ҳам яхши фойда беради). Тиш касалликларида оғзини тут шарбати билан чайиш самарали.

Шоҳтут таркибида эса қанд, органик кислоталар, пектин мавжуд. Абу Али ибн Сино шоҳтут билан оғиз, томоқдаги шишлар, ичбуруғни даволаган. Халқ табаотида шоҳтутни чилонжидда билан қўшиб, дифтерия (бўғма) ва қизилча касалликларини даволаганди. Оғиз бўшлиғида яралар пайдо бўлса, шоҳтут қайнатмаси билан чайиш керак. Шоҳтутнинг озиклиги кам, аммо у иштахани очиб, иситмани тушириш хусусиятига эга.

БИЛАСИЗМИ?

- Типрикатан танасида шундай мушак борки, унинг ёрдамида бу жонивор кўз-очиб юмгунча "көптөкча"га айланади-қолади.
- Туяларнинг кўз қовоғи уч қават бўлиб, бу қум бўронларидан яхши ҳимоя воситаси ҳисобланади.

ТУРФА ОЛАМ

Марсни тадқиқ этувчи робот

Шотландиянинг Эдинбург робототехника маркази олимлари ҳамда NASA эспертлари Марс сайёрасини тадқиқ этишда фойдаланиш мўлжалланаётган робот-гуманоидни оммага таништирдди.

Унга "Валькирия" деб ном берилди. Роботнинг баландлиги — 180 сантиметр, оғирлиги — 125 килограмм. "Валькирия" 44 ҳаракатланувчан бўғимлардан иборат бўлиб, бу унга бир неча ҳаракатларни ҳеч бир қийинчиликсиз амалга ошириш имконини беради. Робот одамга ўхшаш хусусиятларга эга бўлишига қарамай, гапирмайди, эшитмайди. Бироқ у яхши кўриб, "фирклай" олади. Бунинг учун робот янги сенсор ва камералар, лазерли ускуналар билан жиҳозланган. Робот 2 миллион долларга баҳоланмоқда.

Уни 2018 йилда "Қизил сайёра"га юбориш режалаштирилмоқда.

Учар мотоцикл

Буюк британиялик олим Колин Фьёз ўз гаражидан учар мотоцикл йиғди, дея хабар бермоқда "Hi-tech.mail.ru". Ховербайк деб номланувчи қурилма одамни ҳавога кўтариб олиб чиқа олади. Конструкция асоси металл ромдан иборат, унга иккита мотор бириктирилган. Ускуна паргалайдлар воситасида ҳавога кўтарилади.



Олимнинг таъкидлашича, лойиҳани амалга оширишда "Ford" компанияси кўмаклашди. Конструкцияни жамлашга эса у бир ойдан камроқ вақт сарфлади. Экспертлар учар мотоцикл қўлбола транспорт турлари орасида энг хавфлиларидан бири эканлигини таъкидлайди.

Аммо ихтирочи бу фикрга қарши — у қурилмани муваффақиятли тарзда сынаб кўрди, ҳатто, кўниш чоғида бирор марта йиқилмади ҳам.

Ш.ФАҒҒОРОВ тайёрлади.

Бош савлати — чўғирма

Миллий қадриятлар

Мамлакатимизда миллий қадриятларимиз, хусусан, миллий хунармандликни асраб-авайлаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Миллий маҳсулотлар тури кўпайиб, қадимий хунарлар қайта тикланмоқда. Бунинг биргина Хоразм чўғирмачилик хунари мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Юртбошимиз эътироф этганидек, Хоразм ўзбек давлатчилигининг илк таъмал тоши қўйилган мўқаддас замин саналади. Инсоният тамаддуни ўчоқларидан бири бўлган бу кўҳна юртдан кўпгина буюк алломалар, қомусчи олимлар, азиз авлиёлар етишиб чиққан. Хоразм дейилганда, дарров машҳур лазгиси-ю чўғирмаси кўз олдингизга келади. Қадимий ва муҳташам минораларида, осори-атиқаларида асрлар сир-синоати мужассам. Хива шаҳрига "очиқ осмон остидаги музей" дея бежиз таъриф берилмаган ва бежиз ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилмаганига амин бўласиз.

Хоразмда қадимдан бош кийим гурури ва ифтихор рамзи ҳисобланган. У бошқа бировники билан алмаштирилмаган ёки ўзига бериб турилмаган. Отанинг бош кийими фақат унинг ўғлига мерос қолдирилган. Фарзанди юзини ерга қаратган ота чўғирмасидан маҳрум этилган.

Чўғирма шунчаки бош кийим эмас: унинг инсон учун фойдали жиҳатлари кўп. У бошини ҳам қаҳратон совуқдан, ҳам жазирама иссиқдан асрайди. Ён теварағида осилиб, силкиниб турадиган майин жун кўзни худудга хос чанг ёки қумдан пана қилади, шамоллашдан сақлайди.

Ақсарият хонадонларда ҳозирги кунда ҳам ота-боболаридан мерос қолган чўғирмалар асраб-авайланмоқда.

Муствақиллик шарофати билан воҳида кўнчиликнинг ўзига хос тури бўлган чўғирма — теллақлар тайёрлаш қайта тикланиб, кенг ривожланди. Хива — қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти билан шуҳрат қозонган ша-

ҳарларимиздан. Бу ерда ҳозирда чўғирмадўзларнинг бир неча сулоласи ота-боболари аънаналарини давом эттирмоқда. Улар тиккан чўғирмаларни нафақат шу ерлик аҳоли, балки хорижлик сайёҳлар ҳам катта қизиқиш ва ҳайрат билан харид қилишаётди.

...Ичанқалъада чўғирмадўзлар растаси бор. Уни аввал бошдан-оёқ айланчи чикракман, чўғирмалардан биттасини саралаб олиб, уни худди санъат асари сингари синчиклаб, томоша қила бошладим.

— Кўлингиздаги кўзичоқнинг терисидан, — дейди чўғирмадўз Нуриддин Аминов. — Унинг жуни ҳам момиқ, ҳам майин бўлгани учун совуқни тез ўтказмайди. Чўғирмалар учун, асосан, икки хил тери танланади. Калта жуни чўғирма бир-икки ойлик, узун жуни чўғирма эса 6 ойлик кўзининг терисидан тайёрланади.

Шу пайт раста ёнига икки хорижлик сайёҳ йигит келиб, бош кийимларни ҳайрат ва ҳавас билан томоша қила бошлашди. Чамамда улардан биттаси, новчаси, чўғирма сотиб олмоқчи, шериги эса унга танлашда ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Узоқ танловдан кейин ҳам аниқ тўхтама қелишолмагани сабабли таржимон воситасида чўғирмадўз Нуриддиндан ёрдам сўрашди. У ҳеч иккиланмай оқ рангдаги узун жуни чўғирмани сайёҳнинг бошига кийгизди.

Оқ сарик юзли сайёҳга ушбу чўғирма жуда ярашди. Бундай тўғри танловдан меҳмон хурсанд бўлди.

— Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистоннинг миллий хунармандлик маҳсулотлари ўзига хос санъат асаридир, — дейди австриялик Лу-

кас Йозеф. — Таассуротларим бир олам. Айниқса, қадимий обидаларнинг бетакрорлиги мени ўзига бутунлай мафтун этди. Хунармандлик маҳсулотлари гоёт ўзига хос ва жозибadorлиги



билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади...

— Меҳмоннинг кўриниши ва серпайлигидан чавандозга ҳам ўхшатдим, — дейди хунарманд сайёҳларни растасидан кузатиб бўлгач. — Айниқса, от минган пайтида чўғирманинг узун жунилари шамолда силкиниб туриши чавандозга ҳузур бағишлайди. Қисқа жули чўғирмани, асосан, вазмин табиати ва сипо кўринишига эга бўлган кишилар танлашади.

Дарҳақиқат, қадимда кишининг кимлигини бошдаги чўғирмасига қараб билиш мумкин бўлган. Илк чўғирмалар катта ва думалоқ шаклда тайёрланган. Бинобарин, чўғирма ўзида воҳа аҳолисининг этник хусусиятларини ҳам яққол ифода этган. Чўғирманинг шерози, яъни оқ, қора ва қулранг турлари мавжуд. Тери ёки қалин матодан текис тикилган, атрофига қоракўлдан босма шакл-

да ишлов берилган чўғирма дастлаб зодагонлар, кейинчалик барча аҳолининг бош кийимига айланган. Ҳазорасп услубида тикилган чўғирманинг калта жулиси "шерози чўғирма", деб аталади. У кўзичоқ терисидан ичма тикилгани учун ҳозирги теллақлардан бироз фарқ қилади.

Хунарманд билан суҳбатимиз шу тахлит узоқ давом этди. У чўғирмадўзлар сулоласининг саккизинчи авлоди экан. Сулола асосчилари ва давомчилари ўзларининг чўғирмадўзликдаги маҳоратлари ва унга киритган янгиликларини билан бутун Хоразмга танилган. Ҳозирда Нуриддин Аминов "устоз-шоғирд" аънанаси асосида миллий хунармандчиликни қайта тиклашга қизиқадиган ёшларга ўз хунари сирларини ўргатмоқда. Сулоланинг вакиллари Аминов, Ферузбек, Иззатбек, Жамолдин ва Камолиддин чўғирмадўзликни ҳам улуғлаб, ҳам ривожлантириб келмоқда.

— Бугунги кунда Хивада чўғирмадўзларнинг бир неча сулоласи фаолият юритмоқда, — деди ҳамроҳим Хоразм вилоят "Хунарманд" уюшмаси раиси Жавлон Шарипов. — Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонида мувофиқ хунармандларга бир қанча имтиёзлар берилди. Улар ўзлари ясаган буюмларни ички ва ташқи бозорда сотиш, турли кўрғазмаларда ҳеч қандай тўловларсиз намоийиш этиш имконига эга бўлди. Хунармандларнинг фаолияти ижтимоий суғурта қилиниб, иш даври меҳнат стажига қўшилмоқда. Ана шундай имконият ва имтиёзлар натижасида, мамлакатимиз, хусусан, Хоразмда ҳам миллий хунармандчилик кенг қулоч ёймоқда.

Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбири

Китоб — яхши дўст

Бу дунёда азиз неъматлар кўп, лекин уларнинг орасида энг азизларидан бири китобдир. Китоб — инсонни ақлий ва маънавий камолотга етакловчи хазинадир. Мамлакатимизда наёқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларнинг китобга бўлган меҳрини янада кучайтириш, мутолаа маданиятини ошириш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд этишга доимий эътибор қаратилаётди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганидан мақсад ҳам ягона — ўз фикри ва дунёқарошига, фаол фуқаролик позициясига эга, билимли ва маънавиятли ёшларни воёга етказиш.

Китоблар яхшилиқ ва эзгуликка ошно қилади. Алломаларимиздан бири "комилликка интилаётган инсон учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир", деган экан. Китобдек қадрдон дўст қаттида дунёдаги барча илм мужассамдирки, у бизларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Ўғил-қизларнинг эстетик диди ва тафаккурини юксалтиради, уларни маънавийтимизга ёт ва зарарли таъсирлардан муҳофаза қилади. Бир сўз билан айтганда, китоб кучли тарбия воситасидир.

... Ота-онам бобомнинг шахсий кутубхонасини асраб-авайлашар, уни бойитиб боришарди. Болаларча хархаша қилиб узатилган кўлларимизга онам эртак китоблар тутқазарди. Уни ўқиб беришдан

ҳечам эринмасди. Ва яна, китоб билан дўстлашган инсоннинг фикри теран, иродаси мустаҳкам бўлади, дея ўқитарди. Мана шундай оилавий муҳит инсон ҳаётида муҳим ўрин эгалларкан. Сабаби, айнан китоб мурғак онгимизда ҳаёт мураккабликлари ва зиддиятларини англаш хислатини тарбиялайди. Улғайганимиз сари нафақат мен, балки ўка-сингилларим ҳам ўзларининг шахсий кутубхонасини туза бошлашди. Китобга бўлган меҳр сабабли ҳам педагогик касбини танладим. Бугун мен дарс бераётган ўқув даргоҳи қошидаги ахборот-ресурс марказида мавжуд китоб жамғармаси 14875 донани ташкил қилиб, шундан икки мингга яқини бадийи адабиётлардир. Кутубхона ходимларининг шу кунги диққат-эътибори муствақил Ватанимиз учун қилган инсонларни тарбиялаш, улардаги она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий мафкура ва миллий ғояни онгига сингдириб беришга қаратилган. Жумладан, биргина 2015-2016 ўқув йилларида нашрдан чиққан янги бадийи адабиётлар кўргазмалари, маърифий тадбирлар, дарслик ва бадийи адабиётларни юритиш кўрик-қарли нашрлар тўғрисида суҳбатлар уюштирилмоқда. Кутубхона видеотекасидаги фильмлар намойиши, маҳал-

лий ёзувчи ва шоирлар иштирокида учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Коллежимизда "Китоб марафони" мунтазам ўтказилади. Бунда ҳар бир ўқувчи кутубхонамиз фондидан тўлдириш учун ўз ҳиссасини қўшади. "Китоб — маърифат нишлар олиб борилмоқда. Бу сайёҳ-ҳаракатлар самарасида кутубхона ёш авлод диди, тафаккури ва ички оламини юксалтиришга хизмат қилади, халқимизнинг фидокорона меҳнати, маънавий-руҳий дунёси, баркамол авлод тар-

лидан фойдаланиш имкони яратиб берилди. Айтиш кераки, бугун кўп ўқиган, замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган ёшлар барча соҳада тенгдошларига ўрнак бўлмоқда. Шундай экан, биз педагоглар, ота-оналар келажак авлодга китобнинг инсон ҳаётидаги муҳим ўрни, замонавий технологиялар ривожига қай даражада юксалмасин у китобнинг ўрнини боса олмаслигини ўқитишимиз лозим. Ушбу жараёнда ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аждодлардан мерос умуминсоний ғояларга тўйинган, мағзи тўқ маълумотлар билан қондириш, уларни онг ва тафаккурни тарбияловчи адабиётга ошно этиш долзарб аҳамиятга эга.



Китоб — чин дўст. Мутолаа — инсон эҳтиёжларининг гултожи. Китобхон, китобсевар, китобпарвар, китобийгар... — бари ана шу маънавий эҳтиёжнинг пиллапооялари. Фарзандларимиз ҳар бир хатти-ҳаракатимиздан андоза олади. Илм-фан, технология қанчалик юксак даражада ривожланмасин, ёшларда китоб мутолаасига меҳр билан яшаш кўникмасини шакллантириб боришимиз зарур. Зотан, инсоннинг етуклиги унинг нафақат жисмоний, балки маънавий дунёси бойлиғи билан ҳам белгиланади. Мутолаа одоби — инсоннинг маънавий дунёсида янги, гўзал тасвирлар яратади.

Зулфия САЙДАҲМЕДОВА,
Фаллаорол тиббиёт коллежи ўқитувчиси